

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АЛИШЕР
НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 821.512.133 (092)

ТЎЛАНОВА НАРГИЗА МАМИРОВНА

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ
САНЪАТЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ-УСЛУБИЙ ТАҲЛИЛИ
(Ш.РАҲМОН, А.ЎКТАМ, И.МИРЗО ШЕЪРИЯТИ МИСОЛИДА)**

10.02.02 – ўзбек тили

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2008

Тадқиқот Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
«Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси» кафедрасида
бажарилган

Илмий раҳбар - филология фанлари номзоди, доцент
ҲАМИДОВ Зиёдулла

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори, профессор
ИСКАНДАРОВА Шарифа

филология фанлари номзоди, доцент
НОСИРОВ Исҳоқ

Етакчи муассаса - Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси 2008 йил _____ ойининг _____ куни _____ соат
да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК 015.04.02 рақамли фан доктори
илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси Ихтисослашган
кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академия-
сининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 13 –уй.

Автореферат 2008 йил _____ ойининг _____ куни тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, филология
фанлари номзоди

Н. МАҲКАМОВ

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек тилшунослигида бадий асар тилини ўрганиш XX асрнинг 40-йилларидан бошланди. Уларнинг баъзилари масаланинг умумий томонларига¹, айримлари конкрет бир ижодкорнинг асарлари тилига², баъзилари ўзбек тили стилистикасига³, айримлари эса бадий нутқ стилистикасига алоқадордир⁴. Кўрсатиб ўтилган ишлар муайян даражада ўзбек тилшунослигида бадий асар тилини ўрганишнинг шаклланиши билан боғлиқ эволюцион жараёни акс эттиради.

Бадий нутқ филологиянинг объекти сифатида узоқ йиллардан буён тилшунослар ва адабиётшунослар ўртасида баҳсга сабаб бўлиб келади⁵.

Баҳсга сабаб бўладиган асосий жиҳат шу бир объектнинг тилга тегишли қисмида кўзга ташланади⁶. Уларнинг бирига кўра, тилшунослар «бадий асар тилини эстетика қонуниятлари нуктаи назаридан ҳам тадқиқ қилиш кераклигини унутиб қўядилар»⁷. Бирига кўра, адабиётшуносларнинг бадий тил ҳақидаги мулоҳазалари «асар тилининг содда, ихчам, халқчил, ширали, образли характери тўғрисида айтиладиган умумий гаплардан иборат бўлади»⁸. Шеър поэтик нутқ талаблари асосида оҳанг жиҳатдан маълум бир тартибга солинган, ҳаётга муносабатни ҳис-туйғулар воситасида ифодалайдиган, ўқувчига эстетик таъсир этадиган, муайян ритмик қурилишга

¹ Ғуломов А. Бадий адабиётнинг тили ҳақида // Адабиёт ва санъат. – Тошкент, 1941; Абдурахмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тили ўқитиш методикаси. – Тошкент, 1960; Аҳмедов А. Бадий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1960 . – №3; Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. – Тошкент: ЎзДавнашр.1962; Шарафутдинов О. Поэмада тил ва стил масалалари // Замон-қалб-поэзия. – Тошкент, 1962.

² Шоабдурахмонов Ш. «Равшан» достонининг бадий тили: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1949; Шу муаллиф. Ойбек романларининг тили //Шарқ юлдузи. –1955. – №10; Дониёров Х. Ҳ. Олимжоннинг тилдан фойдаланиш новаторлиги // Шарқ юлдузи. 1959. – №7; Шомаксудов А. Муқимий сатирасининг тили ва стили // Ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент, 1959; Самадов Қ. Ойбек – сўз санъаткори. – Тошкент:Фан, 1965; Яриев Б. А. Язык поэзии Максуда Шайхзаде: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Турдалиев Б. Ҳамза ва ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан, 1981; Қиличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982.

³ Шомаксудов А. Ўзбек тили стилистикаси. I-II қисмлар. – Тошкент,1974; Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд. 1975; Шу муаллиф. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари.-Тошкент:Фан, 1977; Шомаксудов А. ва б. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент:Фан, 1983;

⁴ Қўчқортоев И. Бадий нутқ стилистикаси. – Тошкент:Фан, 1975; Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадий стиль. – Тошкент:Фан, 1998; Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. – Ташкент:Фан, 1979; Йўлдошев Б. Бадий нутқ стилистикаси. – Самарқанд, 1982; Умркулов Б. Лексические особенности современной поэтической речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1983; Шамсиддинов Х. Термини в художественной речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984; Бакиева Г.Лингвистические основы анализа художественного текста: Автореф. дисс. ... докт.филол.наук. – Ташкент, 1993; Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фан. докт. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1993;

⁵ Григорьев В.П. К спорам о слове в художественной речи // Слово в русской советской поэзии. – М.: Наука, 1975.-С. 5-75

⁶ Қўчқортоев И. Бадий нутқ стилистикаси. – Тошкент: Фан,1975. – Б. 5-12.

⁷ Ўша манба. –Б. 7.

⁸ Адабиёт назарияси. I-том. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 313.

эга бўлган ижод маҳсулидир. Шеърятда оҳангдорлик ёки хушоҳангликни таъминлаш энг биринчи шарт ҳисобланади. Унда сўзлар таркибида қатнашувчи тилнинг энг кичик бирлиги-фонемалар ҳам, қофиялар ҳам хушоҳангликка хизмат қилиши лозим. Буларнинг ҳаммасига тил воситалари орқали эришилади. Айни шу ўринда тилшунослик билан адабиётшуносликнинг текшириш объекти ҳам, манфаати ҳам тўқнашади. Шарқ мутафаккирлари тадқиқотларида бадиий асар тили адабиётшунослик ёки тилшунослик нуқтаи назаридан алоҳида ажратилмайди. Бу борада бизга энг яқин намуна Алишер Навоийдир. У ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» номли тадқиқотида сўз, унинг маъноси, фикр ифодалашдаги самара ва вазифаси юзасидан олиб борган кузатишлари лингвопоэтиканинг мукамал намунаси ҳисобланади⁹.

В.В.Виноградовнинг фикрига кўра, бадиий асар тилини тилшунослик билан адабиётшунослик ўртасида турадиган, шу билан бирга, уларнинг иккисидан ҳам фарқ қиладиган алоҳида филологик фан ўрганиши лозим¹⁰. М.Б.Храпченко бу ҳақда В.В.Виноградовнинг фикрларига ҳамоҳанг қарашга эга. Унингча, бадиий асар стилистикаси ҳақида эмас, балки адабиётшунослик ва тилшунослик стилистикаси билан кесишадиган бадиий нутқ стилистикаси ҳақида гапириш мақсадга мувофиқдир¹¹.

Биз ўз кузатишларимизни тадқиқот объектимизнинг характерида келиб чиққан ҳолда умумфилологик – ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик нуқтаи назаридан амалга оширишни лозим топдик. Шу билан бирга, имконимиз даражасида Шарқда шаклланган бадиий санъатлар асосида олиб боришга ҳаракат қилдик.

Бадиий санъатларни ҳозирги ўзбек шеърятини материаллари асосида ўрганиш ўзбек мумтоз адабиёти билан замонавий адабиёт тилидаги лисоний-услубий жиҳатларни, адабиётга хос тенденциялар-анъанавийлик, ворислик ва изчилликни белгилашга хизмат қиладди. Айни эҳтиёж мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида бадиий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили масаласи Навоий асарлари мисолида XX асрнинг 60-йилларидан кейин ўрганила бошланди¹². Ҳозирги ўзбек шеърятини бадиий воситаларнинг лингвопоэтик хусусиятларига бағишланган ишлар мавжуд бўлса-да, шеърини санъатлар етарли таҳлилини топган эмас. Стилистик фигуралардан антитеза¹³, анафора¹⁴ алоҳида ишларнинг мавзу объекти бўлган, ҳолос.

Ўзбек тилшунослигида қофияларни юзага келтирувчи лингвопоэтик

⁹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар. 16-том. –Б. 45-55.

¹⁰ Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М.: Наука, 1959. – С. 3-4.

¹¹ Храпченко М.Б. Художественное творчество, действительность, человек. – М.: Наука, 1978. – С. 352.

¹² Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979; Ҳамидов З. Навоий бадиий санъатлари. – Тошкент: Университет, 2001.

¹³ Келдиёрова Г. Ўзбек бадиий нутқида антитеза: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2000.

¹⁴ Рихсиева Г. Шеърятдаги гапларнинг актуал бўлинишида анафоралар ўрни: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1999.

воситалар монографик тарзда И. Мирзаев¹⁵ томонидан ўрганилган. Тадқиқот муаллифи қофияларнинг юзага келишида асосий роль ўйновчи лисоний, услубий ва бадий омилар, воситаларни таҳлил қилар экан, омоним, синоним, антоним, аллитерация, ассонансларнинг қофиядаги ўрнига кенг тўхталган.

Г. Муҳаммаджонованинг номзодлик диссертациясида¹⁶ бадий нутқнинг лингвопоэтик ўрганилишига обзор берилган ва баҳоланган. Тадқиқотда лексик бирликлар ва жонлантириш, эпитет, ўхшатиш, метафоранинг намоён бўлиши, улардан юзага келадиган самара - бадийлик масалалари асосли далиллар билан таҳлил қилинган. Бироқ ишда фоника масалалари билан боғлиқ санъатларга етарли эътибор берилмаган, синтактик фигуралар таҳлилга тортилган эмас. Биз эса асосий эътиборимизни шеърини санъатларни ўрганишнинг лисоний-услубий таҳлилига қаратдик.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Миллий Университети Ўзбек филологияси факультети «Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси» кафедрасининг илмий тадқиқот режасига киритилган. Ушбу мавзу факультет илмий кенгаши йиғилишида муҳокама этилиб, тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади шеърини санъатларнинг ҳозирги ўзбек шоирлари ижодий маҳсулининг бадийлигини, эмоционал-экспрессивлигини, эстетик таъсир кучини таъминлашдаги, ғоявий мақсадини амалга оширишдаги ўрнини лисоний – услубий жиҳатдан тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Мазкур мақсаднинг амалга ошуви эса қуйидаги вазифаларни ҳал этишга боғлиқ:

- ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида бадий санъатларнинг ўрганилганлик даражасини белгилаш;

- Шарқ ва Ғарб филологиясида бадий санъатларга алоқадор тушунчалар ва уларни ифода этувчи терминлардаги тафовутларни аниқлаш;

- поэтик нутқнинг хушоҳанглигини таъминлашда унли ва ундош фонемаларнинг, бадий такрорнинг, шунингдек, бошқа воситаларнинг аҳамиятини очиқ бериш;

- бадий санъатлардан фойдаланишда анъанавийлик ва индивидуалликнинг муносабатини кўрсатиш;

- бадий санъатларнинг поэтик нутқнинг бадийлигини, эмоционал-экспрессивлигини, таъсир кучини ва жозибасини таъмин этишдаги аҳамиятини таҳлил қилиш;

- мазкур кузатувлардан олинган натижаларни умумлаштириш ва якуний хулосалар чиқариш.

Тадқиқот объекти ва материаллари. Илмий изланишнинг объекти сифатида замонавий ўзбек шеъриятига муносиб ҳисса қўшган Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўктам ҳамда Иқбол Мирзо каби шоирларнинг шеърини

¹⁵ Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992.

¹⁶ Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2004.

асарлари олинди. Тадқиқотнинг материаллари сифатида Шавкат Раҳмоннинг «Сайланма» (1997) тўплами; Аъзам Ўктамнинг «Тараддуд» (1993), «Икки дунё саодати» (1997), «Қирқинчи баҳор» (2000) номли бадиий тўпламлари; Иқбол Мирзонинг «Сени соғинаман» (1994), «Мени эслайсанми?» (2000), «Танланган шеърлар» (2002), «Қўшиқларим» (2004), «Сени бугун кўрмасам бўлмас» (2005), «Сизни куйлайман» (2007) номли бадиий тўпламлари танланган.

Тадқиқотнинг методологияси ва бажарилиш усуллари. Илмий изланишнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган мустақиллик мафкураси, маънавияти ва давлат тилига оид сиёсат ташкил қилади.

Иш синхрон-тавсифий усулда бажарилган. Диссертациянинг тадқиқ объекти бадиий нутқ бўлганлиги туфайли, унда услубий таҳлилдан, бадиий санъат турларини ўзаро қиёслаш усулларида кенг фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар.

- бадиий санъатларни адабиётшунослик, тилшунослик ва услубият нуқтаи назаридан ўрганишнинг назарий аспектларини белгиланиши;

- бадиий санъатларни номлашда, таъриф ва тавсифлашда ҳам турли фикрларнинг мавжудлиги;

- бадиий санъатларнинг ҳозирги ўзбек адабиётидаги ҳолати, улардан замонавий адибларнинг фойдаланиш даражасининг ўрганилиши;

- ўзбек шоирларининг шеърларини анъанавий бўлган шарқона шеърий санъатлар назарияси асосида таҳлил қилиш йўллари ва усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- бадиий санъатларнинг ҳозирги ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигига доир луғатлар, ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар, диссертацион ишлардаги талқини ва ўрганилиш даражаси аниқланди.

- бадиий санъатларнинг таркиб топишида лисоний бирликларнинг мавқеи белгиланди;

- бадиий санъатлардан фойдаланишда ижодкорларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ўрганилди;

- поэтик нутқнинг хушоҳанглигини таъминлашда унли ва ундош фонемаларнинг, бадиий такрорнинг, шунингдек, бошқа воситаларнинг аҳамияти очиб берилди;

- ижодкорларнинг адабий тил ва шева материалларидан, тилнинг тарихий ва замонавий лексик қатламларидан, шунингдек, лексик-семантик ва услубий имкониятларидан фойдаланиш маҳорати ва индивидуал жиҳатлари таҳлил қилинди;

- бадиий санъатларнинг ижод маҳсули бадиийлиги, эмоционал-экспрессивлиги, таъсир кучи ва жозибадорлигини таъмин этишдаги аҳамияти очиб берилди;

- олинган натижалар умумлаштирилиб, хулосаланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот натижалари ўзбек тилшунослигида бадиий асар тили, поэтик нутқ, лингвопоэтика билан боғлиқ илмий тушунчаларнинг шаклланиши ва ривожига муайян ҳисса бўлиб қўшилади. Унинг материаллари дарслик ва қўлланмалар яратишда қўл келади, тадқиқотдан ўзбек шеърияти тили ва

услуги, бадий адабиёт тили, ўзбек тили нутқ маданияти, услубияти мавзуларида махсус курслар ўқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг синалиши. Диссертация натижаларидан Ўзбекистон Миллий Университетида ўзбек тили ва адабиёти йўналишидаги бакалаврларга ўзбек тили лингвистик тадқиқ усуллари ҳамда танлов фанлари бўйича маърузалар қилиш ва амалий машғулотларни олиб боришда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан тасдиқланган. Диссертация Ўзбекистон Миллий Университетининг «Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси» ва «Ўзбек тилшунослиги» кафедраларининг қўшма йиғилишида муҳокама қилиниб, очиқ ҳимояга тавсия этилган ҳамда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг ҳозирги ўзбек адабий тили, ўзбек тили тарихи ва диалектологияси, лексикология ва лексикография, терминология бўлимларининг қўшма йиғилишларида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Мавзу бўйича 4 та мақола ва тезислар эълон қилинди. Ишнинг натижалари Республикамиз журналларида ва олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг анъанавий илмий-услубий анжуманларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот уч боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 140 саҳифа.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг биринчи боби «Ўзбек филологиясида шеърий санъатларнинг ўрганилиши ва унинг муаммолари» деб аталиб, унинг биринчи қисми «Ўзбек тилшунослигида шеърий санъатларнинг ўрганилиши», иккинчи қисми эса «Ўзбек адабиётшунослигида шеърий санъатларнинг ўрганилиши» деб номланган. Тадқиқотда ҳар икки қисмда ҳам бадий асар тили таҳлили ва у билан боғлиқ тадқиқотлар, илмий изланишлар таҳлил қилинади.

Бадий санъатларнинг лисоний таҳлиliga бағишланган илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳозирги ўзбек шеърияси тилида бадий санъатларнинг лисоний тадқиқи, жумладан мувозана, иктибос, такрир, тасдир, тасбиғ ва бошқа турлари ханузгача ўрганилмаганлиги туфайли, фундаментал умумлашма тадқиқотлар яратиш ҳозирги ўзбек тили услубшунослигининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз-ўзидан тилшунослик ва услубият нуқтаи назаридан бадий санъатларни ўрганишнинг назарий аспектларини белгилаш муҳим эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг учинчи қисми «Шеърий санъатларни тадқиқ қилишнинг айрим муаммолари» деб номланган. Илмий адабиётларда бу санъатларнинг бадий адабиётда образ яратиш функцияси билан боғлиқ хусусиятлари яхши ёритилган, аммо бадий санъатларнинг лингвопоэтик таҳлили борасида мунозарали ўринлар ҳам мавжуд.

Биринчидан, бадий санъатлар бадий образ яратиш воситаси сифатида адабиётшуносликнинг, айниқса, поэтиканинг текшириш объекти эканлиги шубҳасиз. Шунингдек, бадий санъатлар ҳар бир адибнинг тилга муносабати, лисоний маҳорати ва ижодкорлиги, топқирлиги ва зукколигини ўзида мужассам қилувчи восита ҳамдир. Бу ҳол, айниқса, ҳозирги замон назмий асарлар тилида ёрқин ва бўртган ҳолда намоён бўлаётир.

Кейинги пайтларда бадий санъатлар тилшунослик аспектида ҳам тадқиқ этила бошланди. Бадий санъатларнинг баъзи томонлари “тилнинг тасвирий воситалари”, “тилнинг образли тасвирий воситалари” “тилнинг услубий воситалари”, “лингвопоэтик воситалар” каби терминлар остида (асосан семантика аспектида) тилшуносликда ҳам ўрганилмоқда. Бундай ишларда, асосан, ёзувчининг синоним, омоним, антоним, кўп маъноли сўзлар ва фразеологизмдан, шунингдек, метонимия, синекдоха, метафора, қисман муболаға, жонлантириш каби воситалардан қанчалик фойдаланганлиги таҳлил қилинган.

Бизнинг назаримизда, бадий санъатларни тадқиқ қилишнинг адабиётшунослик ва тилшунослик йўналишларига маълум аниқликлар киритиш лозим бўлади.

Бадий санъатлар ўз номи, вазифаси жиҳатидан бадий адабиёт ҳодисаси, аммо уни юзага чиқарувчи восита – тил, тилнинг имкониятларидир. Масалан, тазод (антитеза) санъати тилда антоним сўзларнинг мавжудлиги туфайлидир. Шунга ўхшаш барча бадий санъатлар заминида тилнинг восита ва имкониятлари туради. Бизнингча, тилшуносликни бадий санъатларни юзага келтирувчи тил воситалари қизиқтириши лозим. Бундай воситалар тилнинг турли сатҳлари бўйича ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан фарқланади. Масалан, бадий санъатларнинг юзага келишида барча луғавий бирликлар қатнашмаслиги аниқ.

Демак, бадий санъатларни тилшунослик ҳам, адабиётшунослик ҳам ўрганиши мумкин. Бунда ҳар қайси фан тармоғи ўз мақсадидан келиб чиқади. Адабиётшуносликни бадий санъат воситасида юзага келган образлилик, бадийлик қизиқтирса, тилшуносликни бадий санъатнинг юзага келишида иштирок этувчи тил воситаси, унинг бу вазифадаги маъновий, услубий хусусиятлари, шу санъат туфайли сўз (восита) семантик структурасидаги ўзгариш ва бойиш ҳолатлари қизиқтиради.

Ҳар ҳолда, бадий санъатларга бағишланган тадқиқотлар синтетик (аралаш) усулда олиб борилиши қонунийдир. Чунки ҳатто адабиётшунос ҳам бу соҳага доир ўз изланишларида тилшунослик нуқтаи назаридан баъзи мулоҳазаларни айтишга мажбур бўлади. Мана шундай аралаш усулда, яъни тилшуносликка оид таҳлилларда адабиётшуносликка оид таҳлил усуллари ҳам бўлиши **лингвопоэтик тадқиқот** деб юритилмоқда.

Иккинчидан, бадий санъатларга оид ишларнинг мазмуни билан батафсил танишиш шуни кўрсатадики, бу соҳага оид қуйидаги муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Бадий санъатлар ва уларнинг туркий адабиётда қачон пайдо бўлганлиги юзасидан берилган таърифларда, шеърини санъатларнинг миқдори масаласида ҳам турли фикрлар мавжуд. Бу масалани ҳар бир арабий, форсий, туркий адабиётлардаги бадий санъатларни атрофлича таҳлил қилиш орқалигина ҳал этиш мумкин. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадий воситаларнинг фаол ва нофаол иштирокини аниқлаш

лингвопоэтиканинг муҳим масалаларидан биридир. Мавжуд илмий адабиётларда бадий санъатларни номлашда ҳам бир хиллик йўқ*. Баъзи ҳолларда эса бадий санъатларнинг мумтоз номлари замонавий номлар билан алмаштириб изоҳланганини кўрамиз. Чунончи, ташхис ва интоқ номлари жонлантириш атамаси билан берилган: «Бинобарин, классик ёзувчиларимиз жонлантиришни ташхис ва интоқ деб атаганларки, бу – жонсиз нарсани шахс (инсон) ҳолига келтириш (ташхис), уни нутқ эгаси қилиб кўрсатиш (интоқ) демакдир¹⁷. Баъзи шеърий санъатлар бирдан ортиқ ном билан юритилаётгани ёки санъат параллел равишда арабча, форсча, туркий, русча номлар билан қўлланаётганига дуч келамиз. Бизнинг назаримизда, бадий санъатлар атамаларини унификациялаш, уларнинг номларини терминологик нуқтаи назардан тартибга солиш лозим. Умуман, бадий санъат билан услубий категориялар орасидаги фарқлар, у ёки бу категорияга кирувчи ҳодисаларни аниқ чегаралаш муҳимдир. Агар диққат қилинса, ҳозирга қадар бадий санъатларни тадқиқ қилишга бағишланган илмий ишларнинг деярли барчаси мумтоз адабиёт таҳлилига мансубдир. Демак, бадий санъатларнинг ҳозирги замон адабиётидаги ҳолати, улардан адибларнинг фойдаланиш даражасини ўрганиш долзарблиги билан муҳимдир. Қайд этилган илмий тадқиқот ишларида кузатилишича, ҳар қандай бадий санъатнинг замирида тил воситаси ётади. Бадий санъат вазифасини ўташда сўзни тўғри ва кўчма маънода қўллаш имконияти, сўзнинг шаклий кўринишлари, уларнинг ўзаро қўшилиш, такрорланиш, баъзи ҳарфларнинг шаклий-символик тасвирлаш ва фонетик-орфоэпик имкониятлари юзага чиқади.

Тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашилса, бадий санъатлар қуйидаги лисоний воситаларга таяниши маълум бўлади. Сўзларнинг кўп маънолилиги, кўчма маънолари, маънодошлик, зид маънолилик, шаклдошлик, такрор, жуфт сўзлар, атоқли от, ўзлашма сўзлар, варваризм ва оккозионал курилмалар, фразеологик, синтактик, фонетик ва орфоэпик бирликлар, асар матнига киритилган мақол, ибора, гап, нутқий матн каби лисоний бирликлар, сўзларнинг шаклий (бўғин, вазнга кўра) тенглигига асосланган санъатлар ва б.

Бадий санъатларни лисоний аспектда тадқиқ қилиш аслида юқорида қайд қилинган бирликлар, ҳодисаларнинг бадий санъатлар тизимидаги иштироки ва ўрнини ўрганишдан иборат бўлмоғи керак.

Диссертациянинг «Сўз маъносига асосланган бадий санъатларда сўз қўллаш маҳорати» сарлавҳали иккинчи бобида ҳозирги ўзбек шеърияти учун характерли бўлган, бадий санъатларнинг маъновий турларидан ташбеҳ, муболаға, жонлантириш, тазод, тазмин, ирсоли масал, иқтибос ва талмеҳ каби лисоний-услубий таҳлил этилди.

Ташбеҳни шакллантирадиган лексик воситалар таҳлилида бу санъатнинг ҳозирги ўзбек шеъриятидаги ўрни, қўлланиши ва маъно тараққиёти бўйича кузатишлар олиб борилди. Ўзбек мумтоз адабиётида лирик қаҳрамон, нарса ёки воқеа – ҳодисаларни ўзгача ном билан аташ учун уларга нисбатан ўхшатишлар қўлланган. Бундай усул адабиётда **ташбеҳ** деб

* Бу ушбу ишнинг бобларидаги таҳлилларда келтирилган.

¹⁷ Ҳомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б. 59.

аталади. Ўхшатишнинг мундарижасини ўхшатилиш, ўхшовчи ва ўхшамиш ташкил қилади¹⁸. М.Мукаррамов ўз тадқиқотларида ўхшатишни соф тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганган¹⁹. Ўхшатиш- тасаввур бирлиги. Тасаввур эса мавжудотга асосланган ҳаёлот натижасидир²⁰. Бинобарин, Шавкат Раҳмон ўхшатишларида кўпроқ ижтимоий-сиёсий мавзу ва табиий ҳодисалар акс этган, Аъзам Ўктам асарларида ўхшатишнинг диний-фалсафий атамалар билан боғлиқлиги кўзга ташланади, Иқбол Мирзо шеърларида ўхшатиш нарса ёки воқеа-ҳодисалар лирик қаҳрамоннинг сентиментал тасаввурига уйғунлашган. Масалан, Аъзам Ўктам “Ўхшашлик” шеърида куйидаги услубда ташбеҳлар яратади:

**Бешикни ёдимга туширар тобут,
Гўёки милтиқдир осиглиқ танбур.**

“Ўхшашлик” шеърининг номи ташбеҳга асосланса, шеърнинг биринчи мисралари тасаввуф мавзусида эканлигига ишора қилади.

“Бешикни ёдимга туширар тобут” мисрасида ташбеҳи тавсия-тенглаштирилган ўхшатиш қўлланган. Бунда сўзларнинг ўрни алмаштирилса ҳам, маънода ўзгариш юз бермайди: тобутни ёдимга туширар бешик. Биринчи мисра ташбеҳи сарехга асосланган “ёдимга туширар” бирикмаси “ўхшайди” феълининг маъносини англатмоқда. Шоирнинг сўз қўллаш маҳорати шунда намоён бўладики, бу мисрадаги ўхшатиш юқорида келтирилган ташбеҳ турларининг ҳаммасига мос келади. *Гўё ёрдамчисига – ки* боғловчисининг қўшилиши билан ҳам ўхшатиш ифодаланади²¹. Кейинги мисрага эътиборни қаратамиз: *Гўёки милтиқдир осиглиқ танбур*. Милтиқ билан танбур ўртасидаги ўхшатиш асоси бирида овоз – даҳшат, иккинчисида – гўзаллик, ҳаёт. Иккинчи мисрадаги ташбеҳи сарех (*гўёки*) ташбеҳи аксни юзага чиқаради, шунингдек, бу ерда антитеза шаклланган деб ҳам айтиш мумкин. Бундай антонимия фақат индивидуал нутққа хос бўлиб, бу нутқдан ташқарида мавжуд эмас. Шундай бўлса ҳам, сўз санъаткорлари ана шундай антонимияни юзага келтириш билан фикрнинг ифодалилигини ва таъсирчанлигини таъминлайдилар²².

Бу каби қўшимча маъноларни ўзига эргаштирган ташбеҳлар кейинги мисраларда ҳам давом эттирилади:

**Машъалани бўйлаб ўралганда дуд,
Тўпларни хотирга келтирди тандир.**

Кейинги мисрада ташбеҳи сарех қўлланган: “хотирга келтирди” бирикмаси “ўхшатмоқ” маъносини англатиб, тандир тўпга очикдан очик ўхшатилмоқда. Шоирнинг бу ўхшатишдан кўзлаган мақсади: тандир оғзидан чиқаётган иссиқ, бўрсилдоқ нонларни тўп оғзидан чиқаётган кип-қизил ядрога қиёслаш орқали ҳосил қилинганки, бу яна ташбеҳи музмар – яширин ташбеҳни юзага келтирган.

**Ўв, кўрганларим-ов ўхшайди тушга,
Бир куним ибтидо, бир куним маҳшар.**

¹⁸ Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. –Б. 62-64 .

¹⁹ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976.

²⁰ Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. –Б. 66.

²¹ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976. –Б. 53.

²² Абдурахмонов Ҳ., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981. –Б. 15.

“Ибтидо”- вужудга келган, туғилган кун, “махшар” – охират, нариги дунё оstonаси бошланган кун. Ҳаётнинг азоб – укубатларини шоир мана шу икки сўзда қисқа, содда шаклда ифодаламакда. Турмуш бирданига икки нарсага: ибтидо – туғилиш, шодликка, махшар – ўлим, қайғу, ғамга ўхшатишмоқда. Мана шу ўхшатиш баробарида дунёнинг икки эшиги икки маънода зидлаштирилган.

Кейинги мисраларда ҳаракат ва ҳолатдан ташбеҳ юзага келтирилган:

Ариқдан **сув ичиб турган ул қушлар,**

Оғиз чайқаётган муслимга ўхшар.

Очиқ ўхшатиш – ташбеҳи сарех “**ўхшар**” сўзи орқали ясалган. Кейинги мисрада бу вазифани “**дейсиз**” сўзи бажарган:

Каттакон **нон дейсиз** кўринса **сават.**

Ташбеҳи сарехни юзага келтиришда **бамисли** кўмакчиси доим ўхшатиш образини кўрсатадиган сўздан аввал келади²³:

Бамисли кундадир катта қайроқ тош.

Бундан кейинги мисралар шоир томонидан хулоса учун қўлланмоқда:

Тушунчалар ичра ғарқ ўлдим фақат,

Оловга ўхшайди барибир қуёш.

Олов - қуёш ташбеҳи инсон тушунчасида, бир томондан яратувчилик, иккинчи томондан, йўқ қилувчи, аниқроғи покловчи сифатида шаклланади.

Аъзам Ўктам шеърни “**Ўхшашлик**” деб номлашда ҳам унинг ташбеҳлар асосига қурилганлигини назарда тутган. Чунки шеърда ташбеҳ мисрама-мисра, изма-из қўлланади. Изоҳловчи изоҳланмиш формасида ҳар икки компонент бир-бирига тенг келади. Компонентларнинг биринчиси изоҳланмиш, иккинчиси эса изоҳловчи бўлиб, ўхшатилаётган предмет белгини кўрсатиш учун хизмат қилмоқда²⁴; бешик – тобут, милтиқ - танбур, тўп-тандир (ҳаёт), кун – ибтидо, кун – махшар, (сув ичиб турган) қуш- (оғиз чайқаётган) муслим, нон-сават, олов-қуёш. Таъкидлаш жоизки, юқоридаги ўхшашликлар ўзбек тилининг фаол луғавий қатламидаги сўзларнинг лексик-семантик, стилистик хусусиятларига асослангани учун улардаги маъно силсилаларини қамраб олиш мураккаб эмас. Инсон ўз тасаввурида уларни тез ва осон англаб етади. Бундай ўхшашликлар инсон тушунчаси, унинг ички дунёсини бойитишга хизмат қилади.

Шавкат Раҳмоннинг ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърларида ҳам лексик-семантик воситаларни эпитетли ташбеҳ ва бошқа луғавий воситалар билан ифодалаш ўринлари учрайди. Хусусан, унинг “Хиргойи” шеърида қуйидаги мисралар мавжуд:

Ҳаммамиз қуёшда куйган жиззамиз,

Қачон тиз чўкувдик,

Ҳамон иззамиз...

Сирқираб оғрийди шишган тиззамиз

Ўриндан озгина турсак майлиму?

Жизза-куйган эт, гўшт. Бу ерда инсон танасининг меҳнатда куйиши назарда тутилган. *Изза бўлмоқ* ибораси «уятга қолмоқ» маъносини англатади. Шоир Шавкат Раҳмон шеърларида киноя, кесатиқ, пичинг ва

²³ Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. –Б. 48.

²⁴ Қўнғуров Р. Келтирилган иш. –Б. 73-74.

вульгаризмлардан фойдаланишда ўзига хослик²⁵ мавжуд. Энг муҳими, қўлланган сўз ва ибора метафорик маънода тоталитар тузумда эксплуатация зулми остида эзилган инсон тасвирини англатган. “Сирқираб оғрийди шишган тиззамиз” мисрасидаги шишган эпитети “биз доимо тиз чўкиб яшадик” маъносига ишора қилади. Шоирлар асарлари тилида ўхшатишнинг мумтоз адабиётда кенг истеъмолда бўлган эскирган сўзлар, бадий-луғавий воситалар билан биргаликда, тилда кейинги пайтларда пайдо бўлган янги сўзлар ёки тушунчалар билан боғлиқ сўзлар ҳам акс этган шакллари қўлланилган. Тадқиқотда Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўктам, Иқбол Мирзо асарларида ўхшатишда тил воситаларидан фойдаланилганлиги атрофлича таҳлил этилди.

Муболаға сўз маъносининг кўчишига асосланган бадий санъатлардан бири бўлиб, нутқда кучли экспрессия ҳосил қилувчи приёмлардан ҳисобланади²⁶.

Муболағанинг ифрок тури Аъзам Ўктамнинг “Қуш потраган мисоли...” шеърида учрайди:

**Талабгори саноқсиз,
Зордир ҳамма кўрарга.**

**Ўн саккиз минг оламда,
У яккаю ягона.**


Шоир шеърда ёрнинг ҳақиқатан гўзалликда танҳолигини таъкидлаш учун сон туркумига оид *ўн саккиз минг, яккаю ягона* бирикмаларидан усталик билан фойдаланган. Ўн саккиз минг оламда ёрнинг ягоналиги анъана сифатида Иқбол Мирзонинг “Сен кулсанг” шеърида ҳам учрайди:

**Бу оламда танҳосан,
Битта гўзал дунёсан.**


**Қолган ўн саккиз мингта
Дунё билан ишим йўқ.**

Мумтоз адабиётда маъшуқа гўзаллиги таърифи борасида уни атрофдагиларга қиёслашда **танҳо, ягона, битта** сўзларидан фойдаланиш-анъанавий бадий-лисоний усуллардан бири. **Ўн саккиз минг оламда ягона** тасвири, албатта, муболағанинг меъёридан орттириб кўрсатилиши билан боғлиқ. Ҳар иккала шоир шеърларида қўлланилган муболағалар ҳам шакл, ҳам мазмун моҳиятига кўра бир-бирига ўхшайди. Буни чизмада қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Аъзам Ўктам
маъшуқа



Иқбол Мирзо
маъшуқа



Ҳар иккала мисолда ҳам қўлланган муболағалар маъшуқага оид хислатларни қиёслаш орқали ҳаддан зиёд ошириб кўрсатишга асосланган. Аммо бу ўринда лексик воситаларнинг этимологик хусусиятларини кузатиш муҳимдир. Хусусан, Аъзам Ўктам *саноқсиз* (ўзбекча), *олам* (арабча), *яккаю ягона* (форсча) сўзларидан, Иқбол Мирзо *танҳо* (форсча), *дунё* (арабча), *битта* (ўзбекча) сўзларидан муболаға яратишда моҳирона фойдаланганлар.

²⁵ Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2004. –Б. 126.

²⁶ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. –Б. 32.

Замонавий ўзбек шеъриятида муболаға яратишда унинг ўта катталаштириш ёки ўта кичиклаштириш усуллари кенг қўлланилган. Тадқиқотда муболаға яратиш жараёнида жонлантиришга мурожаат қилиш орқали сўзларнинг маъно имкониятларини кенгайтириш Шавкат Раҳмон шеърияти тилига хос асосий хусусиятлардан бири -кичрайтириш ҳисобланса, Иқбол Мирзо шеърларида лирик қаҳрамон ҳиссиётлари билан боғлиқ муболағаларнинг ўта катталаштирилиши таҳлил қилинади.

Жонлантириш, қиёслаш учун табиат ҳодисалари танланади. **Ташхис** “табиатдаги, умуман, коинотдаги нарса, предметларни жонлантириб тасвирлаш”, деб таърифланса²⁷, бошқа бир ўринда жонлантириш инсонга хос хусусиятнинг жонсиз нарсаларга кўчиришдан иборат деб ҳисоблайди. Замонавий ўзбек шеъриятида интоқда ундов, ҳис-ҳаяжон²⁸ ифодаловчи сўзларнинг қўлланиши Шавкат Раҳмоннинг “Видолашув” шеърида мавжуд:

Хайр, Баҳор! Алвидо, баҳор!

Бироқ кутгил деди-ю, баҳор,

Ушалмасдан қолди армоним.

Лабларимга босди бармоғин.

Шеърнинг биринчи, иккинчи мисраларида мурожаат усулида жонлантириш қўлланган бўлса, учинчи мисраси интоқ билан юзага келган ва ниҳоят тўртинчи мисрадаги *лабларимга босди бармоғин* мисраси жонлантириш билан ўз якунини топган. Тадқиқотда жонлаштиришнинг табиий ҳодисаларни ифодалаган кўринишлари Шавкат Раҳмон шеърларида ўзига хослиги кўрсатиб берилди.

Тазод санъати зид маъноли сўзлар асосида яратилган кучли эмоционал-экспрессив ва услубий воситадир. Тазодни адабиётшуносликка оид луғатларда баъзан антитеза²⁹ деб ҳам атайдилар. Бу санъат ҳақида поэтикага доир асарларда³⁰ ва шу мавзуга бағишланган махсус илмий мақолаларда қимматли маълумотлар берилган³¹. Бу шеърий санъат воқеа-ҳодисалар ва нарсаларнинг белги-хусусиятларини, ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш демакдир. Сифатлашлар воситасида тазод санъатини яратиш Аъзам Ўктамнинг “Тилим” шеърида маъно кучайтиришга хизмат қилади:

Тилимдан бол томмас, аччиқ ҳам эмас,

Ярайди қалбагин изҳор этишга.

Ўзунмас унчалик, қисик ҳам эмас,

Етади бўйнимдан тортиб кетишга.

«*Тили узун*», «*тили қисик*», «*тили аччиқ*» ибораларида тил сўзининг тушириб қолдирилиши, унинг аниқловчи элементлари мазмунини бўрттириб, равшан қилиб ифодалаш билан боғлиқ. Шеърда «**тили аччиқ**» ибораси кишининг таъбига тегиб гапирадиган³² маъносида, «**тили қисик**» ибораси

²⁷ Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Тошкент: Фан, 1995. –Б. 134.

²⁸ Ҳамидов З. Навоий бадиий санъатлари. – Тошкент: Университет, 2001. –Б. 20.

²⁹ Келдиёрова Г. Ўзбек бадиий нутқида антитеза: Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2000.

³⁰ Атоулло Ҳусайний. “Бадоеъ-ус-саноеъ” нашриёти “Ирфон”. – Душанбе, 1974. 161-164 саҳифаҳо; Т. Н. Зехни. Санъатҳои дар шери тоҷики. нашриёти давлати Тоҷикистон. – Сталинобод, 1960, 82-87 саҳифаҳо; Шайхзода М. Асарлар. 4-том, Ҳазал мулкининг султони. – Тошкент: Фан, 1972. –Б. 262; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Фан, 1979. –Б. 64-65; Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод, 1972. –Б. 75-77.

³¹ Исҳоқов Ё. Тазод // Ўзбек тили ва адабиёти. –1970. – №5.-Б. 80-83; Ҳамидов З. «Лисон ут-тайр» да тазод санъати // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1981. -№6. –Б. 80-85.

³² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар, 1992. –Б. 256.

гапирмасликка, эътироз билдирмасликка мажбур³³ маъносида келган бўлиб, унинг антоними «**тили узун**» ибораси эса, «**тили қисик**» нинг аксинча маъносида қўлланган. «Ширин», «ширин сўз» маъносини англатувчи бол, «ширин гапирмоқ» маъносидаги «бол томмоқ» ибораси «тили аччиқ», яъни «тили ёмон» иборасига зидлашган. Узун эпитети иборада «ҳар нарсани гапиришга қодир тил» маъносини англатади. Қисик эса, аксинча, «кўп нарсани очик гапира олмаслик» маъносини ифодалаб, иборадаги узун-қисик сўзлари зидлашади ва тазод яратилади.

Замонавий ўзбек шеърлятида тазод намуналарининг лингвистик таҳлили шуни кўрсатадики, а) шоирлар тазод учун асос қилиб олинган материални туб антонимлар асосида танлаган; б) тазод санъати учун олинган материал контекстуал (матний) зидликка асосланган; в) айрим ҳолларда сўзларнинг шаклий морфологик белгисига кўра зидликка асосланган; г) тилдаги афоризмларнинг шакл ва маъно хусусиятларидаги зидлик орқали ҳам тазод санъати ҳосил қилинган.

Тазмин («бир нарсани иккинчи бир нарса орасига қўймоқ») шеърға ўзга бир шоир асаридан бирон мисра, бир ёки бир неча байт киритиш санъатидир³⁴. Тазмин учун олинган мисра шеърнинг мазмунини очишда унинг охириги нуқтаси бўлиши ҳам мумкин. Иқбол Мирзо «Муқаддима» шеърда охирида кўчирма мисра келтиради, кейин унинг маъно ва моҳиятига мос мисраларда семантик, шунингдек, композицион бутунликни таъминлайдиган сўзларга мурожаат қилади.

Кўнгил кушдек учти ҳавога енгил,

Айлона-айлона алингга тушти.

Ман каманд истарман, тан гулхандадир,

Ўзим ҳар жойдаман, кўнгил сандадир.

Шеърдаги сўнгги мисра Муқимийнинг «**Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадир**» шеърдан олинган бўлиб, шеърнинг аввалги мисралардаги мазмун ва моҳият билан мувофиқ келади. «Кўнгил кушдек учти ҳавога енгил, Айлона-айлона алингга тушти» мисралари сўнгги мисрадаги «кўнглим сен билан» маъносига мувофиқ келган. Таъкидлаш лозимки, тазмин учун олинган мисра, шеърнинг мавзу ва мазмунига асос қилиб, унинг лирик хотимасини бадиият талаби нуқтаи назардан тўлдиришга хизмат қилган.

Тазмин санъатида номлар, сўзлар, сўз бирикмалари, иборалар ёки мақоллар ёхуд бир ёки бир неча мисралар, баъзан маълум шеърый парча, ижод қилинаётган асар матнига маълум бадиий мақсад ва эҳтиёжга кўра ташқаридан олиб кирилади. Уларнинг баъзилари «цитата» (ҳавола)ни эслатади. Санъатлардаги образли отларни тилга олиш эса ўзлашма эмас, балки «фойдаланувчи, қўлланувчи лексемалар»нинг³⁵ бир кўринишидир. Тадқиқотда тазмин санъати Иқбол Мирзо шеърларида ўзига хос янгича талқинда ҳосил қилинганлиги таҳлил этилди.

Тазмин санъати туфайли олинаётган шеърый парчалар ҳар қандай бошқа киритмалардан, биринчидан, бадиий асар элементи экани билан, иккинчидан, ўз семантикаси билан шеърый матн таркибига сингиб кета олиши билан, учинчидан, ижод қилинаётган асар ғоясига мос тушиши, унинг

³³ Раҳматуллаев Ш. Келтирилган иш. –Б. 260.

³⁴ Ҳожаҳмедов А. Келтирилган иш. –Б. 60.

³⁵ Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1985. –Б. 71.

мазмунини янада бойитиши, бадийлигини тўлдириши билан фарқланади. Мана шу ҳол тазминнинг энг муҳим хусусияти ва функционал моҳиятини белгилайди.

Ирсоли масал санъатининг арабча тўлиқ номи ирсоли-ул-масал фил байти”дир. Аммо мумтоз адабиётда у кўп ҳолда форсча изофа билан ирсоли масал деб, юритиб келинган³⁶. “Умуман асрлар давомида шеърятимиз услубини беаба, унга ўзига хос жило бағишлаб келган мақол, матал ва ҳикматли иборалардан фойдаланиш санъати – ирсоли масал шеърятимиз ҳозирги босқичида ҳам кенг қўлланишга лойиқдир”³⁷. Ҳозирги ўзбек адабиёти асарларида учрайдиган мақол ва маталлар махсус тадқиқ қилинган ва бу муаммога доир монография ёзилган³⁸. Айрим адиблар асарлари тилидаги афоризмларнинг қўлланишига оид тадқиқотлар ҳам бор³⁹.

Ирсоли масал санъатида мақол ва иборалар семантик-структурал ўзгаришлар бўйича қуйидаги турларга бўлинади: 1. Мақол ва ибораларни айнан қўллаш. 2. Мақол ва ибораларни алмаштириб қўллаш. 3. Мақол ва иборалар таркибини кенгайтириш. 4. Мақол ва ибораларнинг қисмларини тушириб қолдириш. 5. Мақол ва ибораларнинг бўлиб-бўлиб берилиши. Масалан, **мақол ва иборалар компонентлари таркибининг қисқартирилиши (эллипсис)** Аъзам Ўктамнинг “Тинчлантириш” шеъридаги тасвирда аниқлик, ихчамлик, мантиқийликни рўёбга чиқарувчи хусусият касб этган:

Сўз бўптими “ёзилгани” ҳам,

Пешанамга ўйилгани сиз.

Бу ерда “пешанага ёзилгани” иборасининг “пешанага” сўзи тушириб қолдирилгани айнан шу “ёзилгани” сўзига мантиқий урғу берилгани билан боғлиқ. **“Пешанамга ўйилгани”** ибораси сўзни алмаштириш йўли билан топилган оригинал иборадир.

Тил воситаларидан тежалган ҳолда фойдаланишга интилиш билан боғлиқ бўлган ибора компонентини қисқартириш шеърятда анча кам учрайди. **Мақоллар ва иборалар компонентларининг бўлиб-бўлиб берилиши*** шеърятда алоҳида ўрин олган. Масалан, Аъзам Ўктамнинг “Маслаҳат” шеърида **“кўзимнинг оқу қораси”** ибораси мисраларда бўлиб берилган.

Эй кўзимнинг қораси-қизчам,

Рўмолча тўқишдан кўраям

Ўргангил ярани боғлашни.

Эй кўзимнинг **оқи**-ўғилчам,

Кўп яхши ер чопишинг бироқ

Қабр қазмоқни-да, ўрганиб қўйгил .

“Кўзимнинг оқу қораси” иборасининг **“оқу қораси”** сўзлари ажратилган ҳолда ишлатилиб, айнан шу ибора мазмунини англатадиган иккита ибора тузилган. Мустақиллик даври шеърятида ҳам халқ тили

³⁶ Исҳоқов Ё. Ирсоли масал // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1971. -№4. –Б. 73.

³⁷ Рафиддинов С. Келтирилган иш. –Б. 131-134.

³⁸ Ҳакимов М. Ёзувчи ва халқ тили. – Тошкент: Фан, 1971. –Б. 176.

³⁹ Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. – Тошкент: ТДПИ, 1981.

* Ибора структурал ўзгаришларининг ушбу тури тўпланган материаллар асосида биринчи марта кўриляпти.

хазиначининг қадрини, унинг турли маъно жилвасини ардоқлаган шоирлар кўп⁴⁰. Улар ижодида эрк, озодлик, миллий ўзликни англаш, руҳият эркинлиги, она табиатга муҳаббат мавзулари етакчи ҳисобланади. Сўз санъаткорларининг адабий тилини тараққий эттиришдаги хизмати уларнинг «янги сўзлар» яратишлари билан белгиланмайди, балки биринчи навбатда уларнинг халқ тили бойлигидан қандай фойдаланишлари, жонли халқ тили хазиначидан олинган сўз ва ибораларни қайта ишлаб, қандай силликлантиришлари билан белгиланади⁴¹.

Ирсоли масал санъатида кўриб ўтилган семантик-структурал ўзгаришларга учраган мақол ва иборалар, умумида адабий тилдаги мақол ва ибораларга муаллифлар томонидан ижодий, оригинал ишлов берилиб, шеърда янги оҳанг, янги маъно билан қўлланган. Ҳар бир ижодкорнинг индивидуаллиги фразеологизмларга бўлган муносабатда ҳам кўринади⁴². Тадқиқотда ибораларнинг қисмларини тушириб қолдириш, ибораларнинг бўлиб-бўлиб берилиши Аъзам Ўктам шеърларига хос хусусият эканлиги кўрсатиб берилди.

“Илм ўзлаштирмоқ” иқтибос сўзи **Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадисларини** шеър ичида келтириш ёки уларнинг мазмунини шеърда ифодалаш санъатидир. Ҳадисларга бағишлаб ёзилган “Арбайн”лар ҳам **иктибос** усулида яратилган асарлардир⁴³. Бу санъат ҳақида ёзилган маълумотлар жуда кам, алоҳида ишлар ҳам мавжуд эмас. Иқтибос санъати моҳиятан ва вазифасига кўра бадиий адабиётнинг специфик хусусиятидир. Ушбу санъатни тилшунослик нуқтаи назаридан услубий ва матншунослик муаммолари қаторида ўрганиш мумкин. Ҳадисларга бағишлаб ёзилган шеърлар ҳозирги замон шеърлятида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Аъзам Ўктамнинг “Икки дунё саодати” деб номланувчи китобида Имом Бухорий тўплаган айрим ҳадисларнинг шеърый талқини баён қилинади.

“Ўзи покнинг дили пок” шеърда **“Беш вақт намоз... Оллоҳ таоло улар туфайли гуноҳларни кечиргайдир”**⁴⁴ ҳадисини тўлалигича шеърый тилда инверсия усулида мазмун тўла сақланган ҳолда келтиради:

Шундоқ эрур беш вақт намоз ҳам

Намоз билан покланур одам.

Бўлса агар инсонда гуноҳ,

Намоз боис авф этур Оллоҳ.

Аъзам Ўктам ҳозирги замон ўзбек адабий тили лексик қатлаמידан ўзлашма сифатида ўрин олган арабча-диний сўзларни ҳам шеър тилига сингдира олган. Шоир **“лутф”, “сарвари олам”, “саҳоба”, “намоз”, “гуноҳ”, “авф”** сўзларидан унумли фойдаланади. Шеърдаги **Оллоҳ, сарвари олам, намоз, покланмоқ, гуноҳ** каби сўзлар маъносига кўра бир-бирига яқин тушунчаларни англантиши асосида таносиб санъати яратилган. Шеърда қўлланган барча сўзларнинг луғавий маъносидан ташқари, матний маънолари

⁴⁰ Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90 –йиллар бошлари ўзбек шеърлятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.номз. дис... – Тошкент, 2004. –Б. 70.

⁴¹ Сабирдинов А. Ойбекнинг шеърый маҳорати. – Тошкент: Фан, 2005. –Б. 106.

⁴² Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фан.докт. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1993. –Б. 31.

⁴³ Ҳожиаҳмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарк, 1998. –Б. 62.

⁴⁴ Бухорий. Ҳадис. 1-жилд. Ал-жомийъ Ас-Саҳиҳ (Ишонарли тўплам). – Тошкент: Қомуслар, 1991. –Б. 156.

уйғунлашганини “сув танни покласа, ибодат дилни поклайди” тарзида кўрамиз.

Талмеҳ (“назар солмоқ”)* шеър ёки насрда машҳур тарихий воқеалар, афсоналар, адабий асарлар ёки мақолларга ишора қилмоқ санъатидир⁴⁵. Ушбу санъат асосида яратилган шеърларда тарихий ҳодисалар маълум бир мақсадни кўзда тутиб эсланади. Талмеҳ учун восита бўла олувчи, ўз ғояси, фикрини образли ифодалай оладиган лисоний воситаларни ҳар бир адиб мақсадга мувофиқ равишда танлайди. Шоирлар мумтоз шеъриятимизда қайта-қайта ишлатилган анъанавий «материал» дан фойдаланганда уларнинг янги қирраларини очишга, янгича талқин қилишга интилади⁴⁶.

Талмеҳ ҳосил қилишда антропонимлардан фойдаланиб, улуғ аجدодларнинг мавжудлиги, улардаги фарзандларнинг ворисийлиги Иқбол Мирзонинг “Жангтоҳ” шеърида ифодаланган.

Эртага

Уст бошин қоқиб **Эр Тўнга**

Тулпорига урар эгар - жабдуғини.

Эртага

Кетамиз эртакка

Ёшу қари

Қуёшга талпинган титрак гўдакка,

Жилмайиб, қарайди **Солиҳ Кошғарий**.

Миллий қаҳрамон алп *Эр Тўнга* номининг зикр этилиши эронликлар томонидан Афросиёб деб аталган машҳур турк лашкарбошисининг юрт озодлиги йўлидаги курашларини эслатади. *Кошғарийнинг* бутун одоб-ахлоқ ҳақидаги ақидалари биргина антропонимни қўллаш билан ўқувчи онгида тўлалигича тасаввур уйғотади. Киши исмлари орқали талмеҳ яратишда биргина ишоранинг ўзи камлик қилади. Исмлар қаҳрамоннинг миллати, юрти, ташқи қиёфаси, руҳияти, касби ҳамда асарнинг умумий ғояси асосида танланган⁴⁷.

Талмеҳ санъатида тарихий ёки афсонавий шахс, жой номи ёки воқеа-ҳодисалар рўй берган сана ва бошқаларни эслатиш йўли билан тилда изоҳ ва баёнда қисқаликка эришилади. Эслатилган антропоним, топоним ва бошқа лексик-семантик бирликларнинг замирида кўзда тутилган маъно намоён бўлган. Замонавий ўзбек адабиётида ҳам тарихий воқеаларни лирик асарлар замирига сингдириб, улардан маъно бўрттириш ва қисқаликка эришишга мўлжалланган талмеҳ санъатининг намуналари ҳозирги ўзбек адабий тилининг луғавий имкониятларини тўлдирган.

Диссертациянинг «**Лисоний бирликларнинг шакли ва такрорига асосланган бадий санъатларнинг лексик-семантик хусусиятлари**» деб номланган учинчи боби икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми «**Сўзларни шаклий (бўғин, вазнга кўра) тенглигига асосланган бадий санъатларнинг лисоний таҳлили**»га бағишланади.

Мувозана “вазн (ўлчов) жиҳатидан тенгдошлик” маъносини англатади.

* Ҳожиаҳмедов А. Мазкур санъатни талмиҳ деб атаган.

⁴⁵ Ўша муаллиф. –Б. 43.

⁴⁶ Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. –Б. 72.

⁴⁷ Ҳусанов Н. XV - аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари: Филол.фан.докт. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2000. –Б. 30.

Бу санъат шеър мисраларидаги барча сўзларнинг вазн (ўлчов) жиҳатидан ўзаро тенг бўлишини назарда тутди⁴⁸.

Замонавий ўзбек шеърияти намуналарида бадий тил нафосатини таъминловчи бу усул кенг қўлланилган. Мисралардаги шакл тенглиги, сўзлардаги оҳангдошлик ва маънодошлик грация усули асосида қурилган бўлиб, маънони кетма-кет қайтаришга хизмат қилган. Шаклдошлик асосида танланган сўзлар шеърий матн доирасида бир умумий маънони ифодалашга хизмат қилган.

Шоир мувозанада грация усулини яратар экан, табиий воситаларни ижтимоий ҳодисаларга қиёслайди, уларнинг ҳолатини тасвирлаш учун охирги сўзни хулоса учун келтиради. Бинобарин, бўғин ва вазн тенглиги Иқбол Мирзониинг «Айлана» шеърида ҳамма ўринларда сақланиб қолади:

Япроқларга шодон-шодон сўйлардим мен.

Гулбоғларга пинхон- пинхон бўйлардим мен.

Шеърда аллитерация усули товуш ва бўғин билан чекланиб қолмайди, улар бутун-бутун сўзларнинг такрорида ҳам намоён бўлиши мумкин. Аллитерация учун келтирилган сўзларнинг мувозана санъати ичида берилиши асар тилининг мусикий, оҳангдор ва сержило бўлишига хизмат қилади.

Ҳозирги ўзбек шеъриятида вазн тенлигига асосланган сўзлар асар тилининг таъсирчанлигини ошириш, унда жозибадорлик ва оҳангдорликни таъминлаш учун кенг қўлланган. Замонавий ўзбек адабиёти вакиллари тилдаги мавжуд лисоний воситаларнинг шакл ва маъно хусусиятларидан самарали фойдаланиб, бу санъатларнинг гўзал намуналарини яратганлар.

Учинчи бобнинг иккинчи қисми «**Сўз такрорига асосланган лафзий санъатларда семантик-стилистик муносабатлар**» деб номланади. Такрорга асосланган сўз ўйини мумтоз адабиётда кенг тарқалган услубий воситалардан бири ҳисобланади. Ўзбек адабий тилида шакл ва маънода ҳамоҳанглик, кучли таъкидни талаб қилган пайтда шеърда сўз, жумла ва ҳатто бутун-бутун мисралар ҳам такрорланиб келиши мумкин. Такрорга асосланган санъатларнинг ҳаммасида ҳам сўз, жумла ёки мисралар бир хил шаклда такрорланмайди, турли маъноларда семантик муносабатни ифодалаш учун сўзларнинг ўрни ва айрим ўринларда уларнинг шаклини ўзгартириб ҳам такрорлаш мумкин.

Мазкур қисмда ҳозирги ўзбек шеърияти тили учун характерли бўлган бир қатор лафзий санъатлар шоирлар лексикаси материаллари асосида таҳлил этилади.

Такрир асли арабча сўз бўлиб, бир ёки бир неча сўзни, баъзан маълум сатрни такрорлаб қўллаш демакдир⁴⁹. Бу санъат баъзида такрор ёки мукаррар деб ҳам аталади⁵⁰.

Ўзбек тилидаги такрорий сўзлар лексик ва морфологик сатҳларда кенг таҳлил қилинмаган⁵¹. Улар услуб жиҳатдан ҳали чуқур ўрганилганича йўқ. Баъзан такрорнинг анафорик такрорлар, эпифорик такрорлар, аралаш (доиравий) такрорлар каби типлари тилга олинади. Бадий асарда, барча стилистик воситаларда бўлгани каби, такрорнинг зиммасига ҳам нутқий

⁴⁸ Ҳожиаҳмедов А. Келтирилган иш. –Б. 105.

⁴⁹ Ҳомидий Ҳ. ва бошқалар. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 216.

⁵⁰ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –Б. 248.

⁵¹ Бу ўринда З. Ўринбоевнинг ишини кўзда тутмоқдамиз. Ишнинг “биринчи боби”га қаранг .

воситаларга хос эмоционал бўёқ, алоҳида оҳанг, жозиба бериш вазифаси юкланади. Шунинг учун ҳам ижод жараёнида уларга мурожаат қилиш қаламқашдан махсус тайёргарликни талаб қилади ва ана шундай меҳнат меvasи бўлган такрорларгина бадий нутқ учун чинакам стилистик усул сифатида хизмат қилади⁵². Шоирлар ўз асарларида такрор санъатини яратишда лексик ва грамматик категорияларнинг деярли ҳаммасидан фойдаланадилар. Такрор санъати аллитерация, ассонанс, анафора, эпифоралар асосида ҳосил бўлади.

Аллитерация мисрадаги сўзларда бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланишидан ҳосил бўлади. Товуш такрорининг турли хил кўринишлари Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўктам, Иқбол Мирзо шеърларида кўплаб учрайди.

Шавкат Раҳмон “Савол” шеърида товуш такрорининг турли хил кўринишларидан усталик билан фойдаланади:

Кўзларимдан кўра ҳаётни
Елкаларим кўрибди кўпроқ.

Мисралардаги **к** товушининг сўзлар таркибида такрорланиши аллитерацияни ҳосил қилган.

Анафора мисралар бошида бир сўз ёки бирикмани ўзгаришсиз, айнан такрорлайди:

Яхшиям, биламан етти пуштимни,
Яхшиям, туғилдим она юртимда.
Яхшиям, болалар сен деб гапирмас,
Яхшиям, рафиқам кўтармас қадаҳ.
Яхшиям, сўз ўйнаб топмасман бойлик.
Яхшиям, биламан ҳалол меҳнатни.
Яхшиям, бир куни ўлсам дўстларим

Карнай-сурнай чалиб, ичишмас арақ. (Аъзам Ўктам, “Яхшиям”)

Бу ердаги сўз такрори шоирнинг ўша сўздан кейин келадиган фикрларининг хулосасига асосланган. Бутун шеър давомида **яхшиям** сўзининг анафора шаклида такрорланиши унга алоҳида урғу берилиши маънони кучайтиришга, ўша сўзнинг моҳиятини кучлироқ, бўрттириброк кўрсатишга хизмат қилган. Анафора нутқни ўзига хос тарзда шакллантириб, унинг композицион тузилишига ижобий таъсир этади. Нутқнинг энг асосий-кескин нуқтасини белгилайди⁵³. Шеърят тилидаги ҳар қандай такрор маълум даражада экспрессивликка эга бўлади. Чунки унда таъкид, уктириш маъноси ифодаланади.

Анафора фақат нутқнинг беzaги, ташқи белгиси бўлиб қолмай, балки маънони кучайтиришга ҳам хизмат қилади⁵⁴. Анафора янгилик ўраמידан иборат бўлган ҳолда, фикрни тараққий эттира бориш асносида “энг янги” нинг келиб чиқишига хизмат қилади. Ёки у “энг янги” га алоқадор диққат

⁵² Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фан. докт. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1993. –Б. 38.

⁵³ Томашевский Б. В. Стилистика. – Ленинград: ЛГУ, 1983. –С. 279.

⁵⁴ Ҳамроев Ф. 90-йиллар поэзиясида такрор услубий восита сифатида. Тўплам. – Самарқанд, 1996. –Б. 104.

қаратилган энг асосий нукта бўлгани учун ҳам такрорланганлиги кузатилади⁵⁵.

Эпифора мисралар охирида айна бир элементнинг такрорланишидан иборат стилистик фигурадир. У бадий нутқни янада оҳангли, ифодали баён этиш учун қўлланади. Бу кўпинча шеърин асарларда учраб, ўзаро қофиядош, оҳангдош сўзларнинг ёки бир хилдаги товуш ва қўшимчаларнинг такрори асосида вужудга келади⁵⁶. Эпифора мисраларда келиш ўрнига кўра анафорага зид тушунча ҳисобланади. Шунингдек, сўз шакли асосидаги ўйинларни турли шаклда тасвирлашга қаратилган эпифоралар ўзига хос ўринга эга:

Бармоқларинг бирам **нозик**,


Лабинг, эй бокирам, **нозик**.

Юракда бор ярам **нозик**-

Бу ҳам иноятдир манга.

(Иқбол Мирзо, “Бармоқларинг”)

Шеър худди шу шаклда такрор ва тажнис санъатларига асосланган туюқни эслатади. Чунки шеърда **нозик** сўзи уч ўринда уч хил маънода такрорланган. Биринчи мисрадаги **нозик** “*нафис*” маъносини, иккинчи мисрадаги **нозик** кўчма маъно (*ёр*) да ундов, учинчи мисрадаги **нозик** *ҳижолатли, дардли, уятли* маъноларини англатган. Такрор орқали юзага келаётган санъатларда сўзнинг маъно оттенкаларида ўсиб бораётган жараённи қуйидагича чизмага тушириш мумкин.



Ассонанс ҳам такрорнинг ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. У талаффузи яқин унлиларнинг такрорланиши натижасида юзага келади. Ассонанс нафис, ларзакор туйғуларнинг сатрларга «сингиши» га ёрдам беради⁵⁷. Бу шеърга оҳангдошлик бахш этади. Аъзам Ўктам шеърларида ассонансга ҳам мисоллар топиш мумкин:

Ўйлар келаверар босиб пайдар-пай,

Ўзимдан ўтганин билурман ўзим. (Аъзам Ўктам, “Назорат”)

Бу шеръда оҳандошлик ў унлилари воситасида яратилган.

Замонавий ўзбек адабиётидаги такрор санъатининг лисоний хусусиятлари бўйича олиб борилган таҳлилларни қуйидагича хулосалаш мумкин: такрор санъати замонавий ўзбек адабиёти тилидаги аллитерация, ассонанс, анафора ва эпифора ҳодисалари орқали ҳосил қилинган. Ҳозирги ўзбек адабиёти тилида такрор санъати учун олинган баъзи сўзларда иборавий маънолар уйғунлашган бўлиб, айрим ўринларда улар туюқни эслатади. Такрор ҳозирги ўзбек шеърини тилида бир, икки ёки уч сўз такрори кўринишларида намоён бўлган. Такрор учун олинган сўзлар ундов, модал сўзлар таркибидан иборат бўлиши мумкин. Тадқиқотда тарди акс, тасбиғ, тасдир, ҳожиб каби лафзий санъатлар лисоний таҳлил этилган.

⁵⁵ Рихсиева Г. Шеъринидаги гапларнинг актуал бўлинишида анафоралар ўрни: Филол.фан.номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1999. –Б. 23.

⁵⁶ Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент, Ўқитувчи, 1995. –Б. 70.

⁵⁷ Сабирдинов А. Ойбек шеъринида сўз ва образ: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1993. –Б. 11.

Радиф санъати лафзий санъат турларидан ҳисобланиб, сўз такрори асосида яратилади. Радиф шеър мисраларида асосан қофиядан кейин такрорланиб келувчи сўз ёки сўзлардир.⁵⁸

Шоир Иқбол Мирзо “Сўроқ” шеърида **дейми** модал сўзи орқали радиф санъатини яратади:

Қошларинг камон **дейми**,
Юрагим нишон **дейми**,
Кипригинг пайкон **дейми**,
Жигар-бағрим қон **дейми**,

Кўзларинг чўлпон **дейми**,
Кўзларим гирён **дейми**,
Мунис, меҳрибон **дейми**,
Ростимни ёлғон **дейми**?

Камон, нишон, пайкон сўзларидаги унлилар оҳангдошлиги, *чўлпон, гирён, ёлғон* сўзларидаги ундошлар уйғунлиги асар тилининг бадийлик кўламини янада бойитган, шеърнинг содда, ўйноқи ва равонлигини таъмин этган.

Тавших шеър мисраларининг бошида, ё ўртасида бир неча ҳарф ёки сўз келтиришни назарда тутувчи санъат номи бўлиб, у ҳарф ёки сўзларни қўшиб ўқилганда, киши номи, бирон сўз, бир ёки бир неча мисра, байт ёки шеър ҳосил бўлади. Шундай шеърый асар эса **мувашшаҳ** деб аталади. Бу анъанавий санъат Аъзам Ўктамнинг «Ҳаракат» шеърида учрайди:

Қаршилиқ. Қамоқ, Қийноқ, Қасос. Қилич. Қалқон. Қуюлади қон қайноқ. Қаттол. Қаттиқ. Қатағон.

Ўлар. Ўқирар. Ўйлар. Ўпирилар. Ўртанар. Ўнгланар. Ўқир. Ўйнар. Ўсар. Ўтар. Ўрганар.

Қувонч. Қаҳат. Қотади. Қора қисмат. Қайғу. Қон. Қадим қудрат қайтади, қайтади қачон, қачон, қачон?

Олиш. Отиш. Ободлик. Оғир ожиз оламга. Омонлигу озодлик омонатдир одамга.

Нотиклар номард, нокас. Нечун нолиш, насихат? Нажот-норози нафас. Нафрат-насиба неъмат.

Мазкур насрий шеърда **“Қўқон”** атамасининг яширинганини кўриш мумкин. Бу ҳар бир мисра бошидаги биринчи ҳарфларни қўшиб ўқилганда ойдинлашади. Юқоридаги шеърда аллитерация ва ассонанслар асосида тавших санъати ҳосил бўлган. Таъкидлаш лозимки, шоирнинг бу санъатни қўллашдан мақсади фақатгина сўз ўйини бўлиб қолмай, бир мавзу остидаги сўз, гап ёки содда гапларни инверсия усулида қўллаб, маънони ҳаддан зиёд бўрттириб кўрсатишга интилишдан иборат. Ўзбек тили луғат тизимидаги сўзларнинг таркиби ва семантик майдонидаги ранг-баранглик тавших санъатига асосланган шеърнинг муваффақиятини таъминлаган. Тавших санъати ўзбек мумтоз адабиётида кўп қўлланилган. Бу усул билан шоирлар шеърый мисраларга ўз суюқлисининг, бирор тарихий шахснинг ёки дўст-биродарининг ва бошқаларнинг номларини яширин ифодалашган. Ушбу санъат ҳозирги ўзбек шеъриятида анъанавий усулини йўқотди, шоирлар баъзи ҳолларда унга мурожаат қиладилар.

Радд ул-матлаъ санъати таҳлил қилинар экан, арабчада “матлаънинг қайтарилиши, такрорланиши” деб аталса-да, аслида матлаънинг бир мисраси – ярим такрорланади⁵⁹. Шунингдек, **“радди матлаъ”**, “ғазалнинг биринчи

⁵⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. – М.: Рус тили, 1981. –Б. 612.

⁵⁹ Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. –Б. 45.

мисрасини асар охирида такрорлашни ҳам назарда тутди⁶⁰. Ушбу санъат номи баъзи тадқиқотларда **раддул матлаъ** тарзида ёзилган⁶¹.

Иқбол Мирзонинг “Ўпкаланиб” шеърига эътиборни қаратайлик:

Ўпкаланиб қарайсиз, ўпкаланиб...

Кўзимнинг гавҳари, маҳзаним,

Қучмаганим, суймаганим, ўпмаганим,

Сочларини бошгинамдан тўкмаганим,

Ўпкаланиб қарайсиз, ўпкаланиб...

Сўзлардаги такрорларни қўллашда биринчи мисра эмас, балки охириги мисра диққат марказида туради. Айнан шу такрорланаётган мисранинг зиммасига маъсулият кўпроқ юклатилади. Натижада, шеърдаги банднинг биринчи мисраси ва охириги мисраси айнан такрорланиб, узвий жиҳатдан бири-бири билан чамбарчас боғланади. Асар давомида айтилган фикрлар ўша бошдаги фикрнинг мазмунини очади, уни мукаммалаштиради, охирида хулоса сифатида айтилган фикрлар яна ўша мисралар воситасида юкунланади⁶².

Сўз такрорига асосланган санъатлар бўйича олиб борилган лисоний-услубий таҳлилни қуйидагича хулосалаш мумкин. Ҳозирги ўзбек адабиётида такрорга асосланган санъатлар мумтоз адабиётнинг адабий – лисоний анъаналари асосида муваффақият билан давом эттирилган. Шеърятда такрорга асосланган санъатлар поэтик нутқнинг коннотатив жиҳатдан тўлдирган, унинг семантик-стилистик имкониятларини оширишга хизмат қилган. Такрорга асосланган санъатлар сўз ўйинида нутқнинг зийнатли, жозибадор, ўйноқи бўлишини таъминлаган. Айрим ҳолларда такрор санъати шеърда фикр, мақсадни қисқа сатрларда содда, образли ифодалаш имкониятини яратган. Замонавий ўзбек адабиёти вакиллари ҳозирги ўзбек тилининг лексик, морфологик ва фонетик имкониятларига таянган ҳолда сўз такрорига асосланган санъатларнинг шаклан ва мазмунан тараққиётига ҳисса қўшган.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Бир асрдан зиёд давр мобайнида русларнинг таъсири остида бўлиш, ўзбек адабиёти учун анъанавий бўлган шарқона шеърий санъатлардан узоқлашув ва ғарбона шеърий санъатлар билан танишув ўзбек шеърятини бадиияти таҳлилини ўз қадимий илдизларидан узилиб қолишига олиб келди. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса, шарқона шеърий санъатларнинг мазмун-моҳиятини очиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳам мумтоз адабиёт тарихига оид асарлар асосида олиб борилди. Натижада, шеърий санъатларнинг ҳозирги поэтик ижод вакиллари асарларидаги ҳолати ва улардан фойдаланиш маҳорати масалалари эътибордан четда қолди.

2. XX асрнинг биринчи ярмида ўрта, умумий таълим ва олий таълим босқичларида асосан, ғарбона шеърий санъатлар ўргатилди. Бунинг таъсирида адабиётшунослик ва тилшунослик соҳаларидаги тадқиқотлар

⁶⁰ Рафиддинов С. Келтирилган иш. –Б. 147.

⁶¹ Ҳожиаҳмадов А. Келтирилган иш. –Б. 109.

⁶² Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. –Б. 144.

ғарбона шеърий санъатлар асосида яратилди. Асарларнинг бадиийлиги ғарбона шеърий санъатлар мезонлари билан ўлчанди ва баҳоланди.

3. Ўз даври адабий муҳитига мансуб ижодкор зиёлиларнинг мумтоз адабиёт вакиллари асарларини тадқиқ этиши, бу жараёнда ўз талқинларига ўтиши, адабиёт назариясидан таянч ахтариши, шарқона бадиий санъат назарияси мезонларига мурожаат қилиши, улардан озиқланиши мумтоз шеърий санъатларнинг бутунлай унутилиб кетишига йўл қўймади. Бу ҳол ҳозирги поэтик ижод вакиллари учун ҳам бегона эмас. Чунки ҳар қандай ижодкор ўз халқи мумтоз адабиёти асарлари билан танишув жараёнида мумтоз шоирларимиз қўллаган бадиий санъатлардан хабардор бўлиб боради, ўрганади, изланади, ўз асарларида бадиийлик талаби билан улардан ижодий фойдаланади. Агар поэтик ижоднинг анъанавийлигини ҳисобга олсак, мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодининг кейинги ва ҳозирги авлод ижодига самарали таъсирини ҳам инкор қилиш мумкин эмас.

4. Бадиий санъатлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳозирги ўзбек адабиётида шеърий санъатларнинг маъно ва моҳиятини сақлаш, улардаги тадрижийликни таъминлашда адабий-лисоний анъаналар мавжудлигини билдиради. Шунинг билан бир қаторда, янги адабий-лисоний муҳитда тилнинг луғат таркиби, луғат қатламидаги тараққиёт ташбеҳ, мувозана, такрор, тарди акс каби санъатларнинг маъно ва услуб жиҳатдан замонавий шакллари яратиш имконини берган.

5. Ташбеҳнинг мумтоз адабиётда кенг истеъмолда бўлган эскирган сўзлар, бадиий-луғавий воситалар билан биргаликда янги, тилда кейинги пайтларда пайдо бўлган сўзлар ҳамда тушунчалар билан боғлиқ сўзлар ҳам акс этган шакллари қўлланилган. Айниқса, Аъзам Ўктам шеъриятида ҳозирги ўзбек тилининг лексик-семантик хусусиятларига таянган ҳолда янгича ташбеҳлар яратишга эришилган.

6. Муболағалар бадиий санъат сифатида сўзнинг янги маъно қирраларини очиб беради. Сўз маъносининг кучайиши, орттирилишида унинг қиёсий таҳлили муҳим ўрин тутди.

7. Тазмин санъатида шеърий мисралар ижод қилинаётган асар матнига маълум бир эҳтиёж юзасидан ташқаридан олиб кирилади. Тазмин бадиий асар элементи бўлиб, бадиий матн таркибига табиий қисм сифатида сингиб кета олган, асар ғоясига мос тушган, унинг мазмунини янада бойитган. Бадиий парчалар шеърнинг таркиби ва тузилишида сезилмайдиган ҳолда яшайди. Шунинг учун қўштирноқ ёки ҳавола орқали ўша материалнинг муаллифи тилга олиб ўтилган.

8. Ирсоли масал санъатини шоирлар халқ мақоллари, матал ва ҳикматли сўзлардан ўринли фойдаланиши натижасида, улар шеър руҳига бутунлай сингиб, қоришиб кетган. Мақол ва иборалар ижодкорлар томонидан маълум даражада қайта ишланганда мақолнинг шакли ўзгариб кетса-да, унинг асосий мазмуни сақланиб қолган. Айрим ўринларда шеърий инверсия ҳам мақолдаги сўзлар таркибига ўзгартириш киритишни талаб қилган. Бундай ҳолларда мақол ва иборалар таҳрир қилиниб, шаклан ўзгартирилган. Эллипсис ҳодисасига учраган мақол ва ибораларнинг қисқартирилган ҳолатда ҳам уларнинг шеърдаги тўлиқ маъноси сақланган.

9. Ҳозирги ўзбек адабиётида мумтоз адабиёт намуналаридаги каби ислоннинг муқаддас китоби Қуръон оятлари, пайғамбар ҳадисларидан

парчалар, намуналарни асар таркибига киритиб маънони кучайтириш, асар тилини безаш анъана сифатида кенг қўллана бошлади. Аъзам Ўктам шеърларида ўз фикрини асослаш, мантикий изчилликка эришиш мақсадида оят, ҳадислардан «Икки дунё саодати» каби тўлиқ иборалар келтирилиб, бадий талқин этилган. Таъкидлаш жоизки, қўлланган иқтибосга оид ўша давр сўзларининг маъно ва шакл хусусиятлари ҳозирги ўзбек тилида янгича йўналишда яратилиб, замонавий тилда тушунарли ҳолда баён этилган.

10. Такрир санъати мумтоз адабий тил анъаналари асосида сўз, жумла, мисра такрорига асосланган санъатлар орқали бадий матн тилини безаш, замонавий ўзбек шеърияти вакиллари томонидан кенг фойдаланилган усуллардан биридир. Ўзбек адабий тилида шакл ва маънода ҳамоҳанглик, кучли таъкидни талаб қилган пайтда шеърда товуш, сўз, сўз бирикмаси, жумла ва ҳатто бутун-бутун мисралар ҳам такрорланиб келади. Шу билан бирга, такрорланувчи қисм таркибида эмоционал ундовлар, модал сўзлар, сўроқ олмошлари келганда такрор маъносидаги эмоционал-экспрессив бўёқ янада кучайиб, таъсирчанлик юқори даражага етган. Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўктам, Иқбол Мирзоларда сўз танлаш, сўзларни янгича талқин қилиш маҳорати борлиги ҳар бир сатрларда сезилади.

11. Тарди аксининг ҳозирги ўзбек адабиётида тараққиёт топган шакли учрайди, сўзнинг акс такрори фонетик акс такрорга ўтган ўринлар мавжуд. Унда мисралар орасида мантикий урғу оладиган сўз ажралиб туради. Тарди акс инверсия асосига қурилган санъат бўлиб, шеърда сўзларнинг алмаштирилиши орқали тазод санъатининг заминида ҳосил бўлган.

12. Ҳозирги ўзбек шеърияти бўйича тўпланган материаллар асосида бадий санъатларни фаол ва нофаол турларга ажратиш мумкин. Фаол турларга ташбеҳ, муболаға, жонлантириш, иқтибос, талмех, тазод, такрор каби шеърий санъатларни киритиш мумкин. Радди матлаъ, радиф, тасдир, тасбиғ, тавших каби нофаол кўринишга хос бадий санъатлар эса ҳозирги шеъриятда кам қўлланади.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни диссертантнинг қуйидаги мақолаларида ўз ифодасини топган:

1. Тўланова Н. М. Фразеологик ибора таркибидаги семантик ва структурали ўзгаришлар хусусида / Тўплам. Илмий методик конференция. – Тошкент, 1998. 15-16 апрел. –Б. 26-27.

2. Тўланова Н. М. Шеъриятда иборалар таҳлили // Тил ва адабиёт таълими. –Тошкент, 1999. – №5 (6). – Б. 81-85.

3. Тўланова Н. М. 90-йиллар поэзиясида тарди акс санъати // Тил ва адабиёт таълими. –Тошкент, 2000. – №5 (6). – Б. 30-34.

4. Тўланова Н. М. Ибора таҳлили-ижодий тафаккур омили / Тўплам. Ўзбек тили доимий IV анжуман. – Фарғона, 2001. 19 апрель. –Б. 23-25.

5. Тўланова Н. М. Бадий тасвир яратишда лексик воситаларнинг ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – №1. –Б. 66-67.

6. Тўланова Н. М. Шеъриятда такрорга асосланган бадий санъатларнинг семантик-стилистик хусусиятлари // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2006. – №3. – Б. 40-43.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Тўланова Наргиза Мамировнанинг 10.02.02 - ўзбек тили ихтисослиги бўйича “Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадиий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили (Ш. Раҳмон, А. Ўктам, И. Мирзо шеърияти мисолида)” мавзuidaги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: бадиий санъатларнинг лингвистик таҳлили, бадиий асар тили, ижодкор маҳорати, бадиий санъатлардан фойдаланиш маҳорати, тазмин, ирсоли масал, иқтибос, мувозана, тақрир, тавших, ижодкор услуби.

Тадқиқотнинг объектлари: Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўктам ва Иқбол Мирзонинг шеърларида қўлланилган бадиий санъатлар.

Ишнинг мақсади бадиий санъатларнинг ҳозирги ўзбек шеъриятида тутган ўрни, унга қўйилган лисоний-шаклий ва мазмуний талаблар, шеърий санъат турлари ва уларнинг шеър таркибида адо этган вазифаларини ёритишдан иборат.

Тадқиқот методлари: қиёсий-тарихий метод.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: бадиий асар тили, бадиий санъатлар, бадиий санъатларнинг айрим муаммолари каби масалаларга муносабат билдирилди. Ҳозирги ўзбек шеърияти тилининг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилди ва тадқиқот объекти бўлган ижодкорларининг услубий маҳоратлари аниқланди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижаларидан дарслик ва қўлланмалар яратишда, ўзбек шеърияти тили ва услуби, бадиий адабиёт тили, ўзбек тили нутқ маданияти, стилистикаси мавзуларида махсус курслар ўқишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: ишнинг асосий мазмуни илмий нашрларда эълон қилинган 4 та мақола ва тезисларда ўзифодасини топган.

Қўлланиш соҳаси: тилшунослик ва адабиётшунослик тадқиқотлари, умумфилологик йўналишдаги мутахассислик фанлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Тулановой Наргизы Мамировны на тему: «Языково-стилистический анализ поэтических приёмов в современной узбекской поэзии (на примере лирики Ш. Рахмана, А. Уктама, И. Мирзо)» на соискание учёной степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.02 - узбекский язык.

Ключевые слова: лингвистический анализ поэтических приемов, язык художественного произведения, умение поэта, умение использовать поэтические приемы, стиль поэта, тазмин, ирсоли масал, иктибос, мувозана, такрир, тавших.

Объекты исследования: поэтические приёмы, использованные в творчестве поэтов Шавката Рахмана, Азама Уктама, Икбола Мирзо.

Цель работы заключается в выявлении роли поэтических приёмов в современной узбекской поэзии, определении функции и требований, предъявляемых к форме и содержанию этих приёмов в стихотворении.

Методы исследования: сравнительно-исторический метод.

Полученные результаты и их новизна: проанализированы такие вопросы как язык художественного произведения, поэтические приемы. Выявлены некоторые особенности современной узбекской поэзии и особенности стилей вышеназванных поэтов.

Практическая значимость: результаты исследования могут быть использованы при разработке учебных пособий и спецкурсов по языку и стилю узбекской поэзии, языку и стилистике художественной литературы, речевой культуре узбекского языка.

Степень внедрения и экономическая эффективность: по теме работы были опубликованы 4 научные статьи и тезисы докладов.

Область применения: литературоведение и лингвистические исследования, спецкурсы в области филологических наук.

RESUME

Thesis of Tulanova Nargiza Mamirovna on the akademik degree of the candidate of philology science, speciality 10.02.02. - Uzbek language subject: “Linguistic- stylistical analyses of the artistic methods present Uzbek poetry (on the ekzemplirics of Sh. Rahmon, A. O’ktam, I. Mirzo)”.

Key words: linguistic analyze of literary arts, the language of artistic (literary) work, the skill of a creator, the skill of using of literary arts, “tazmin”, “irsoli masal”, “iqtibos”, “muvozana”, “takrir”, “tavshih” the method of a creator.

Subjects of the inquiry: The literary arts used in poems of Shavkat Rahmon, A’zam O’ktam and Iqbol Mirzo.

Aim of the inquiry: is to make clear the role of (artistic) literary arts of present day Uzbek poetry, linguistic, formal and meaningful requires given to it, kinds of poetic arts and its functions in poems.

Method of inquiry: The research based on the comparative-historical methods.

The results achieved and their novelty: it was said some ideas to the language of literary work, to literary arts and to some problems of literary arts. It was brought to light the peculiarities of Uzbek poetry and was defined the methodical skills of involved creators to this subject.

Practical value: the results of research can be used widely in teaching special courses on the topics of speech and stylistical culture of the uzbek language, the language of uzbek poetry and style, the language of literary work and also it can be used in creating textbooks.

Degree of embed and economical effectivity: on the given subject were published 4 scientific articles and several thesis reports.

Sphere of usage: Studies of literature and linguistic researches, special courses in the sphere of philological sciences.